Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2026 ЙИЛ – МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2026 йил 3 ноябрь, № 230 (9401) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИ: МУНОСИБ ИШ, КАФОЛАТЛИ ДАРОМАД ВА ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ

Президент Шавкат Мирзиёев 2 ноябрь куни Тошкент шаҳрининг Учтепа туманидаги «Intil» халқаро тил ва касбга ўқитиш маркази фаолияти билан танишди.





Мамлакатимизда хорижда ишлаш истагидаги фуқароларни аниқ иш ўринларига мақсадли тайёрлашга эътибор қаратилмоқда. Бунда тил ўргатиш, касбий кўникма бериш, малакани тасдиқлаш ва ишга жойлашишга кўмаклашиш жараёнларини ўзаро боғлаш муҳим аҳамиятга эга. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миграция агентлиги томонидан ташкил этилган марказ ана шу вазифаларга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбарига марказнинг имкониятлари, таълим дастурлари ва хорижлик ҳамкорлар билан йўлга қўйилган лойиҳалар ҳақида маълумот берилди.

— Ўн йил олдин қонуний миграция бўйича саноқли давлатлар билан келишувимиз бор эди. Бугун очиқлик сиёсатимиз туфайли ёшларимиз учун кўплаб давлатларда муносиб иш имкониятлари очилмоқда, — деди Президентимиз. — Мен ёшларимизни чет элга оддий ишчи эмас, малакали мутахассис сифатида юбормоқчиман. Мақсадимиз — уларга касб ўргатиш, янги муҳит ва маданиятга мослашишига кўмаклашиш.

Қарийб 3,5 гектар майдонда жойлашган марказда фуқаронинг дастлабки мурожаатидан тортиб, ҳужжатларини расмийлаштириш, тил ва касб ўрганиш, имтиҳон топшириш ҳамда хорижга ишга жўнаб кетишигача бўлган жараёнлар бир жойда ташкил этилган. Фронт-офисда маслаҳат ва виза масалалари бўйича кўмак кўрсатилади. Бу ерда банк хизматлари, авиачипта кассалари ва Call-марказ ҳам фаолият юритади.

Мажмуада 600 ўринли ўқув, 180 ўринли амалий машғулот хоналари, 120 ўринли имтиҳон маркази ва 400 ўринли ётоқхона мавжуд. Ҳозирда 6 та халқаро лойиҳа доирасида 240 нафар тингловчи таҳсил олмоқда. Улар учун ўқиш ва ётоқхона бепул.

Президентимиз тил ва касбга ўқитиш хоналаридаги машғулотлар билан танишди. Марказда немис, инглиз, япон, корейс, чех, польяк, итальян ва словак тиллари ўргатилади. Тил тайёргарлиги дастурлари 6 ойдан 10 ойгача давом этади. Уларнинг мазмуни хорижлик иш берувчиларнинг эҳтиёжларига қараб янгилаб борилади.

Касбий таълим 12 та дастурни қамраб олган. Тингловчилар тиббиёт, пайвандчилик, электр ва сантехника ишлари, омбор логистикаси, қурилиш, меҳмонхона ва ресторан хизмати, ошпазлик каби йўналишлар бўйича тайёрланмоқда.

— Қаерга бормайлик, ўша давлатда маданиятимиз, урф-одатларимиз ва тарихимизни таништиринглар. Яқинда Япониянинг Нагоя шаҳри мэри ёшларимизнинг маданияти ва одобига қойил қолиб, менга мактуб йўллади. Сизлар ҳақингизда ҳам “буюк тарихга эга буюк мамлакат фарзандлари экан” деган гаплар айтилишини истайман, — деди Президентимиз тингловчилар билан суҳбатда.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

Эътироф

ХИТОЙДА ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ КИТОБИ НАШР ЭТИЛДИ

Пекин шаҳрида Президент Шавкат Мирзиёевнинг хитой тилида чоп этилган “Ўзбекистон барқарор тараққиёт ва фаровонлик йўлида” китоби тақдимоти бўлиб ўтди.



Тадбирда ХХР вазирлик ва идоралари, ижтимоий-сиёсий, илмий-академик, эксперт ва ишбилармон доиралари, етакчи оммавий ахборот воситалари, хорижий дипломатик корпус раҳбарлари қатнашди.

Хитойнинг нуфузли “Жэньминь” нашриётида чоп қилинган ушбу китоб 8 бобдан иборат бўлиб, “Ўзбекистон кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида”, “Ўзбекистон ва БМТ”, “Ўзбекистон ва ШҲТ”, “Марказий Осиё — Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналиши” ва бошқа мавзуларни қамраб олган.

Китобда Ўзбекистон Президентининг Янги Ўзбекистонни барпо этиш доирасида мамлакатда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, ички ҳамда ташқи сиёсат масалаларига бағишланган нутқ ва маърузалари, шунингдек, давлатимиз раҳбарининг хорижий оммавий ахборот воситаларида чоп этилган интервью ва мақолалари жамланган.

Тақдимотда **Хитой Коммунистик партияси Марказий қўмитаси Халқаро алоқалар бўлими мудири Лю Хайсин** ўз мамлакатида Президент Шавкат Мирзиёев китобининг нашр этилишини ҳар томонлама стратегик шериклик ўрнатилганининг ўн йиллиги нишонланаётган йилдаги муҳим воқеа сифатида баҳолади.

Лю Хайсиннинг фикрича, 2027 йил 2 январь куни нишонланадиган дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 35 йиллиги арафасида Пекин Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт ва кенг кўламли модернизация йўлини бундан буён ҳам қўллаб-қувватлашга тайёр. Хитой томони янги мамлакат қурилишини сиёсий ишончни мустаҳкамлаш ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш учун имкониятлар очадиган муҳим жараён сифатида кўради.

Хитой Коммунистик партияси Марказий қўмитаси Тарғибот бўлими мудири ўринбосари Хон Даён ушбу китобнинг чоп этилишини Ўзбекистон — Хитой гуманитар алоқалари ривожидаги йирик воқеа деб атади. Унинг таъкидлашича, икки давлат етакчилари раҳбарлигида ўзаро муносабатлар изчил равишда янада юқори даражага кўтарилиб бормоқда, маданий ва интеллектуал мулоқот эса бу жараёнга алоҳида теранлик бағишламоқда.

ШҲТ Бош котиби ўринбосари Пяо Янфаннинг айтишича, давлат раҳбарининг китоби Янги Ўзбекистон қиёфасини шакллантираётган кенг кўламли ўзгаришларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тўлақонли ҳамда ҳар томонлама англаш учун муҳим манба саналади.

Хитойлик экспертлар, жамоатчилик доиралари вакиллари ва кенг китобхонлар оммаси учун ушбу китоб Ўзбекистоннинг замонавий тараққиёти ҳақида қимматли билим манбаи ҳисобланади.

«Дунё» АА.
Пекин

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ФАЛСАФАСИ

юртдошларимиз тафаккури, ҳаёт тарзи ва қарашларида инқилоб ясамоқда

Биз миллат ўлароқ яшаш тарзимиз, дунёқарашимизни ўзгартирганимизга ҳали кўп бўлгани йўқ. Аниқроғи, янгича яшай бошлаганимизга атиги ўн йил тўлди, холос. Бинобарин, Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан инсон қадрини улуғлаш, унинг бугунги ҳаётидан розилигини таъминлаш йўлида юритилаётган халқчил ислоҳотлар юртдошларимиз тафаккурида инқилоб ясамоқда. Шу маънода, Қудратилла Рафиқовнинг тафаккур озодлиги ҳақидаги мулоҳазаларига тўлиқ қўшилиш мумкин.

Акс садо

Сиёсатшуноснинг яқинда матбуотда эълон қилинган “Шавкат Мирзиёев инқилоби ёхуд мен нима учун Президентим билан ғурурланаман?” номли публицистик-эссесида “давлатимиз раҳбари **“Бугунги Ўзбекистон — кечаги Ўзбекистон эмас. Бугунги халқимиз ҳам кечаги халқ эмас”** дер экан, бевосита одамларимиз онги тезроқ ўзгаришига ишора қилади. Ҳақиқат шундаки, бир асрдан ортиқ давр мобайнида тафаккурларимизга сингдирилган қарамлик таъсиридан чиқиб кетишимиз оғир кечаётир. Нафақат иқтисодиёт ва сиёсатда, балки кундалик турмушимиз, маданияту юриш-туришимизда ҳам кечаги кун “анъана”лари сезилиб туради. Ва бу жараёнлар бизнинг “ўзимиз”дан анча нари кетиб қолганимизни англатади” дея энг нозик масала моҳияти лўнда қилиб очиб берилгани билан алоҳида аҳамиятга эга.

Дарҳақиқат, бугун таълим, илм-фан ва спортга кўрсатилаётган эътибор ва янгиланишлардан, энг аввало, халқимиз онгида бурилиш ясаш, тафаккуридаги қарамлик исканжасидан озод этиш мақсади кўзланган. Бу эса оилаларда фарзандлар келажагига муносабатда намоён бўляпти. Ота-оналар ўз дилбандларига имкон борича яхши билим беришга интилиб, буюк аждодларимизга муносиб авлод ўстириш пайидан бўлмоқда. Бу эса охирги йилларда ўз самараларини кўрсата бошлади. Ёшларимиз жаҳондаги фан олимпиадаларида, турли танловларда, хусусан, шахмат сингари спортнинг интеллектуал турларида тарихда бўлмаган ёрқин натижалар кўрсатаётгани шундай дейишимизга асос бўла олади.

Бугун Янги Ўзбекистонни барпо этишда ҳал қилувчи муҳим босқичдамиз. Бунинг учун охирги йилларда мустаҳкам иқтисодий асос яратилди. Натижада халқимиз қалбида мудраб ётган яратувчилик қудрати уйғониб, бунёдкорлик салоҳияти яққол намоён бўла бошлади.

Буюк ўзгаришлар силсиласи

Яқинда мен ўтган асрнинг йигирманчи йилларида Германияга ўқишга кетиб, кейинчалик Туркия университети профессори бўлган ватандошимиз Аҳмаджон Иброҳимнинг (Ўқай, Германияда Курт Окай) Амир Темур ҳақида ёзган “Метин Темур” китобини ўқир эканман, шундай тугал фикрга келдим: даврларни боғловчи ўхшашлик — тарихда буюк ўзгаришлар ва тараққиётга эришган давлатларнинг ривожланишида чуқур ўйланган ислоҳотлар, янгича тафаккур ва қатъий ҳаракат ҳал қилувчи аҳамият касб этган.

Асарда Амир Темур даврида амалга оширилган ислоҳотлар давлат ҳаётининг турли соҳаларини қамраб олгани, уларнинг ўзаро боғлиқлиги эса мамлакатнинг ҳар томонлама ривожланиши учун замин яратгани тарихий далиллар асосида моҳирона тасвирланган. Шу маънода, бугунги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларни кузатар эканмиз, тарихий жараёнлар билан муайян ўхшашликларни яққол кўриш мумкин. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан мамлакатимизда давлат бошқаруви, иқтисодиёт, таълим, илм-фан, тиббиёт, рақамлаштириш, тадбиркорлик ва халқаро ҳамкорлик соҳаларида кенг кўламли ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

2

ЭРИШИЛГАН ЮТУҚЛАР ЧЕГАРА ЭМАС

Сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида ҳуқуқий давлат барпо этиш, қонун устуворлигини таъминлаш ва инсон ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди.

Юксалиш одимлари

Ушбу жараёнларда қонунчилик тизимини такомиллаштириш билан бир қаторда, уларнинг амалда самарали ишлаши, давлат органлари фаолияти шаффофлиги, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада қонун устуворлиги жамиятда адолатни қарор топтириш, давлат ҳамда халқ ўртасидаги ишончни мустаҳкамлашнинг муҳим омили сифатида намоён бўлмоқда. Бу эса ҳуқуқий давлат ғоясининг назарий тамойилдан давлат бошқаруви ва ижтимоий ҳаётнинг амалий мезонига айланиб бораётганини кўрсатади.

Таъкидлаш жоизки, янги таҳрирдаги Бош қомусимизнинг энг муҳим қоидаларидан бири, шубҳасиз, Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий давлат сифатидаги конституциявий мақомининг мустаҳкамланганидир.

4

ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯ ВА МУШТАРАК ТАРАҚҚИЁТ САРИ

Бугунги шиддат билан ўзгараётган глобал сиёсий ва геоиқтисодий воқелик шароитида дунёнинг турли минтақаларида кузатилаётган парчаланиш ва инқирозлар фонида Марказий Осиё тамомила акс йўналишда — жипслашиш, ўзаро ишонч ва тизимли иқтисодий интеграция йўлидан бормоқда. Яқин-яқингача чегара, сув, божхона ва транспорт тўсиқлари туфайли тарқоқ бўлган минтақа бугун ягона иқтисодий макон, жозибадор инвестиция хаби ва халқаро транзит чорраҳасига айланмоқда.

Нуқтаи назар

Бу Туркманистоннинг “Аваза” миллий сайёҳлик зонасида Марказий Осиё ва Озарбайжон давлат раҳбарларининг саккизинчи Маслаҳат учрашувида ҳам яққол намоён бўлди. Ушбу мулоқот минтақада ўзаро ишонч ва яхши қўшничилик тамойилларига асосланган алоқалар тобора чуқурлашиб, янги мазмун билан бойиб бораётганини кўрсатди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мазкур нуфузли анжуманда иштироки эса мамлакатимизнинг минтақавий ҳамкорлик жараёнларидаги фаол ва конструктив позициясининг яна бир амалий ифодаси бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг Марказий Осиёдаги сиёсатини мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлардан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди.

4

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2026 йил 3 ноябрь

МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИ: МУНОСИБ ИШ, КАФОЛАТЛИ ДАРОМАД ВА ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мамлакатимиз етакчиси амалий симуляция хоналарида коммунал ва қурилиш соҳаларига оид машғулотларни кўздан кечирди. Бу ерда тингловчилар иш жойига яқинлаштирилган шароитда касбий кўникмаларини мустаҳкамлайди. Жумладан, сантехника ва электр тизимлари билан ишлаш ўргатилади, пайвандчилар “ISO 9606” халқаро стандартлари асосида тайёрланади. Ўқув жиҳозлари Германия, Хитой ва Россиядан келтирилган.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари имтиҳон хоналарини кўрди. Марказда тингловчиларни халқаро тил сертификатларига тайёрлашга эътибор қаратилиб, ÖSD, TELC, J-CERT ва EPS TOPIK имтиҳонларини топшириш имконияти яратилган.

— Инглиз тилига қандай имтиёз берган бўлсак, немис ва япон тилларини ҳам шундай ўргатамиз. Мактабни тугатгандан кейин кафолатли иш жойига эга бўлиши учун тилни ҳам, касбни ҳам мактабдаёқ ўргатишимиз керак, — деди Президентимиз.

Тайёргарлик хорижлик ҳамкорлар билан биргаликда олиб борилмоқда. “Proud Partners”, “Onodera User Run”, “Deutsche Bahn”, “RecruitMed GmbH”, “PentaHospital” компаниялари ва Перуджиа университети иштирокидаги лойиҳалар фуқароларни иш берувчилар талабига мос ўқитиш ва ишга жойлаштиришга кўмаклашишга қаратилган.

Тингловчилар учун коворкинг, спорт майдончалари ва дам олиш ҳудудлари ҳам ташкил этилган. Марказда 40 нафар маҳаллий ходим ва ўқитувчи, шунингдек, 6 нафар хорижлик тил ўқитувчиси фаолият юритмоқда.

Давлатимиз раҳбари чет эллик иш берувчилар эҳтиёжидан келиб чиқиб, номзодларни саралаш, тил ва касбга ўқитиш ҳамда ишга жойлаштиришга кўмаклашишни бирлаштирган ушбу тажрибани бошқа ҳудудларда ҳам жорий этиш юзасидан тавсиялар берди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев меҳнат миграцияси ҳамда хорижда ишлаш истагидаги аҳолини тил ва касбларга мақсадли ўқитиш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Жаҳон меҳнат бозоридаги талаб ўзгариб бормоқда. Бугун дунёда 168 миллион киши хорижий меҳнат миграциясида. Бир томондан, мамлакатимизда чет элда ишлаш истагидаги фуқаролар бор, иккинчи томондан, қатор давлатларда малакали ишчи кучига эҳтиёж ортиб бормоқда. Давлатимиз раҳбари ушбу имкониятларни ўзаро боғлаш, фуқароларни аниқ иш ўринларига тайёрлаш зарурлигини таъкидлади.

Сўнгги йилларда тартибли меҳнат миграцияси бўйича ҳамкорлик кўлами кенгайди. Илгари мазкур йўналишда учта давлат билан иш олиб борилган бўлса, ҳозир уларнинг сони 27 тага етди. Ҳамкорлик қилаётган йирик хорижлик иш берувчилар сони қарийб 400 тага кўпайди. Чет элда ишлаётган юртдошларимиз сони ўн йилда икки баравар камайган бўлса-да, уларнинг оилаларига юбораётган маблағлари тўрт карра ошди. Бу фуқароларнинг юқори малакали ва даромадли ишларга жойлашиши нақадар муҳимлигини кўрсатади.

Бироқ ҳудудлар натижалари ўртасида катта тафовут сақланмоқда. Хорижда ишлаётган бир кишига тўғри келадиган ўртача ойлик пул ўтказмаси Фарғонада 1 850 доллар бўлса, айрим ҳудудларда 400 долларга ҳам етмайди. Ҳокимлар, элчилар ва техникум раҳбарлари фуқароларни юқори даромадли ишларга тайёрлаш бўйича фаолиятини қайта кўриб чиқиши зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Германия, Туркия, Словакия ва Қатарда иш берувчиларни техникумлар билан боғлаш бўйича ижобий мисоллар бор. Бошқа мамлакатлардаги элчилар ҳам меҳнат бозори имкониятларини аниқ иш ўринлари ва кадрлар тайёрлаш дастурларига айлантириши лозимлиги қайд этилди.

Европа Иттифоқи Марказий Осиёдан мутахассисларни жалб этиш масаласини илк бор миграция стратегиясига киритган. Буюк Британияда ҳам 33 минг ишчига эҳтиёж бор. Шунга қарамай, бу мамлакатга юртдошларимиз асосан қишлоқ хўжалигидаги мавсумий ишларга бормоқда. Тиббиёт, логистика ва саноат соҳаларида иш берувчилар билан аниқ келишувларга эришиш, Италия билан мавжуд имкониятлардан фойдаланиш, шунингдек, “Ёшлар мобиллиги” дастурида иштирок этиш масаласини ҳал қилиш вазифаси қўйилди.

Президентимиз чет тилларини билиш юқори даромадли иш топишнинг асосий шартларидан бири эканига эътибор қаратди. Мамлакатимизда инглиз тилини пухта ўрганиб, сертификат олган 200 мингга яқин ёшлар бор. Уларнинг АҚШ, Канада, Австралия, Янги Зеландия ва бошқа давлатларда ишлаши учун имкониятларни кенгайтириш зарур.

Германиядан жорий йилнинг ўзида 45 минг мутахассисга буюртма келиб тушган, аммо атиги 2 минг киши ишга жойлашган. Бунга немис тилини биладиган кадрлар етишмаслиги сабаб бўлмоқда. Шу боис касбий таълим билан тил тайёргарлигини бирга олиб бориш, хорижлик иш берувчилар буюртмасини техникумлардаги ўқув дастурлари билан боғлаш муҳимлиги таъкидланди.

Ҳар бир вилоятдаги икки-учта техникумда касб билан бирга немис тилини ўқитишни йўлга қўйиш вазифаси қўйилди. “Intil” халқаро ўқув марказида “Telc” компанияси иштирокида 100 нафар немис тили ўқитувчисини тайёрлаш бошланган. Келаси йил улар ҳудудлардаги техникумларга жалб қилинади. Мактаб ва техникумлар учун яна 500 нафар немис тили эгасини олиб келиш, олий таълим муассасаларида немис тили ўқитувчиларини тайёрлаш бўйича давлат буюртмасини икки карра ошириш белгиланди.

Вилоят ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари “Intil” маркази тажрибасини ўрганиб, келаси йили ҳар бир ҳудудда ягона миграция марказини очади. Бунинг учун ҳар бир вилоятга 8 миллиард сўмдан ажратилади. Келаси йил 10 минг кишини касб ва немис тилига ўргатиб, Германияда ишга жойлаштириш вазифаси қўйилди.

Йирик хорижий компаниялар ўзларига зарур мутахассисларни Ўзбекистон техникумларида тайёрлашга қизиқиш билдирмоқда. Шу асосда бир ой ичида 20 та техникум танланиб, уларнинг дастурлари хорижлик иш берувчилар талабига мослаштирилади. Ҳар бир вилоятдаги яна икки-учта техникумни йирик тадбиркорлар бошқарувига бериш, улар орқали йилига камида 30 минг нафар ишга тайёр мутахассис етиштириш режалаштирилмоқда.

Бундай техникумлар 15 йилга бошқарувга берилади, битирувчилар давлат намунасидаги малака сертификатини олади. Кадр тайёрлаш ва жиҳозларга сарфланган маблағларни солиқлардан чегириш, хорижда яхши ишга жойлашган битирувчилар учун грант ажратиш кўзда тутилмоқда.

Йиғилишда хусусий бандлик агентликлари фаолияти ҳам таҳлил қилинди. Лицензия бериш тартиби соддалаштирилгач, икки йилда уларнинг сони уч баравар, агентликлар орқали хорижда ишга жойлашганлар сони беш карра ортди.

Келаси йил фуқароларни хорижга ишга юбориш вазифаси хусусий сектордаги ишончли бандлик агентликларига ўтказилади. Юқори даромадли ишга жойлаштирилган ҳар бир фуқаро учун уларга 1,5 миллион сўмдан рағбат пули тўланади. Агентликларнинг очиқ рейтинги юритилиб, ишга жойлашиш натижаси, фуқаролар ҳуқуқларининг ҳимояси ва ижтимоий кафолатлар асосий мезон бўлади.

Жорий йилнинг ўзида 34 та давлатда 287 минг кишини ишга жойлаштириш имконияти мавжуд, бироқ бу ҳақда фуқароларга етарли маълумот етказилмаяпти.

Энди хориждаги ҳар бир иш ўрни бўйича мутахассисга қўйиладиган талаб, зарур тил ва ўқиш имкониятлари ҳақидаги маълумот маҳаллагача етказилади. “Маҳалла еттилиги” чет элда ишлаш истагидаги фуқароларни “Онлайн маҳалла” платформасига киритади. Ҳокимлар ва масъул ташкилотлар уларнинг касб ва тилга тайёрланиши ҳамда ишга жойлашишига жавоб беради. Вилоят ҳокимлари бу борадаги натижаларни ҳар ой, туман ҳокимлари эса ойига икки марта кўриб чиқади.

Элчилардан иш берувчилар билан келишув тузиш билан чекланмасдан, квоталар, ишчи визалари ва малакани тан олиш масалаларини иқтисодий дипломатия орқали ҳал этиш талаб қилинди. Улар ҳокимлар билан бирга фуқароларнинг ишга жойлашиши ва янги муҳитга кўникишигача бўлган жараён учун масъул бўлади.

Хорижда меҳнат қилаётган юртдошларимизнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Энди қийин вазиятга тушган фуқаро “Онлайн маҳалла” платформасида хабар қолдириши мумкин. Зарур ҳолларда элчининг ўзи унинг муаммоси билан шуғулланади. Ҳокимларга эса хорижда ишлаётганларнинг оилалари, ота-оналари ва фарзандларини қўллаб-қувватлаш вазифаси қўйилди.

— Чет элда меҳнат қилаётган бирорта юртдошимиз ўз муаммоси билан ёлғиз қолмаслиги керак, — деди давлатимиз раҳбари.

Йиғилишда меҳнат миграциясидан қайтган фуқароларнинг бандлиги масаласи ҳам кўриб чиқилди. Йил бошидан буён 1 миллион 116 минг киши қайтган. Уларнинг орасида хорижда саноат, қурилиш, логистика ва хизмат кўрсатиш соҳаларида тажриба орттирган мутахассислар бор. Ҳокимлар ва тармоқ раҳбарлари уларнинг салоҳиятидан фойдаланиб, муносиб иш таклиф этиши зарурлиги қайд этилди.

Бунинг учун қайтган фуқароларнинг ишлаган жойи, касби ва стажи акс этадиган платформа яратилади. Йил якунигача уларнинг 250 минг нафарига мос иш топиш, тадбиркорлик қилишни истаганларга кўмаклашиш вазифаси белгиланди.

Хорижда орттирилган иш стажи ва пенсия ҳуқуқини тан олиш масаласига ҳам тўхталинди. Бугун юртдошларимиз 40 дан зиёд давлатларда қонуний ишлаб, пенсия бадалларини тўлаяпти. Жорий йил Қирғизистон, Озарбайжон ва Туркия билан бу борада икки томонлама битимлар имзоланган. Фуқароларимиз кўп меҳнат қилаётган бошқа давлатлар билан ҳам шундай келишувларга эришиш топширилди.

Мамлакатимизга келаётган хорижий ишчи кучини тартибга солиш ҳам муҳокама қилинди. Ўзбекистонда узоқ муддат яшаётган чет элликлар сони 250 мингга яқинлашган. Улардан 36 минг нафари ишлашга рухсатнома олган, 24 минг нафари талаба. Қолганларнинг бандлиги ва даромад манбалари ҳақида аниқ маълумот бўлиши зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Шунингдек, янги иш ўринларига, биринчи навбатда, ўзимизнинг фуқароларни жойлаштириш муҳимлиги таъкидланди.

Йиғилиш давомида соҳада фаолият юритаётган тадбиркорлар билан мулоқот қилинди, ҳудудлар раҳбарларининг ахбороти тингланди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Марҳабо ҲОЖИАКБАРОВА,
ЎзА мухбирлари.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ФАЛСАФАСИ

юртдошларимиз тафаккури, ҳаёт тарзи ва қарашларида инқилоб ясамоқда

1 Бу жараёнларнинг муҳим жиҳати шундаки, ислоҳотлар алоҳида соҳалар билан чекланиб қолмай, давлат ва жамият ҳаётининг кўплаб йўналишларини қамраб олмоқда.

Тарихий ва бугунги жараёнларни боғлайдиган асосий ўхшашликлар сифатида қуйидагиларни алоҳида санаб ўтиш мумкин:

– янгича давлат тафаккури — эски ёндашувлардан воз кечиб, замонавий тараққиёт талабларига мос бошқарув тизимини шакллантириш;

– иқтисодий ўзгаришлар — мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини ошириш, янги имкониятлар ва инвестициялар учун шароит яратиш;

– илм-фан ва таълимга эътибор — тараққиётнинг асосий кучи билим, инновация ва интеллектуал салоҳият эканини англаш;

– инсон манфаатларининг устуворлиги — давлат ривожланишининг асосий мақсади инсон ҳаётини яхшилаш, унинг ҳуқуқлари ва имкониятларини кенгайтиришдан иборат бўлиши;

– халқаро очиқлик ва ҳамкорлик — мамлакатнинг жаҳон ҳамжамияти билан алоқаларини кенгайтириш ва глобал тараққиёт жараёнларида фаол иштирок этиш.

Албатта, ҳар бир тарихий даврнинг ўз шароити, муаммолари ҳамда тараққиёт йўли бор. Шунинг учун тарихий шахслар ва бугунги давлат раҳбарлари фаолиятини айнан бир хил деб баҳолаш тўғри бўлмайди. Аммо уларни бирлаштирувчи муҳим жиҳат бор, у ҳам бўлса ислоҳотлар орқали давлатнинг янги тараққиёт босқичига ўтиши ғоясидир.

Менимча, тарихнинг энг муҳим сабоқларидан бири шу: давлатнинг буюклиги фақат унинг тарихи билан эмас, балки бугунги ўзгаришлари ва келажак авлод учун яратаётган имкониятлари билан ҳам белгиланади. Ўзбекистоннинг ҳозирги тараққиёт йўли ана шу тарихий сабоқлар нуқтаи назаридан алоҳида эътиборга лойиқдир.

Нозик масалага оқилона ечим

Янги Ўзбекистонни бунёд этишнинг айни босқичида ҳар бир соҳа ва тармоқни чуқур трансформация қилиш ишларига жадал киришилгани ҳолда, энг катта “портлаш” қурилиш жабҳасида юз бераётганини эътироф қилиш жоиз. Бу ҳодиса ўз-ўзидан рўй бергани йўқ, албатта. Аҳолининг талаб-эҳтиёжлари ва уй-жой бозоридаги реал ҳолатдан келиб чиқиб иш тутилгани туфайли ана шундай сифат ўзгаришлари қўлга киритиляпти.

Статистик маълумотларнинг кўрсатишича, янги даврда 650 мингдан зиёд оилалар замонавий уй-жойга эга бўлган. Биргина 2025 йилда 8 миллион 100 минг квадрат метр кўп қаватли уйлар қурилиб, аҳоли ихтиёрига берилди.

Сиёсатшунос Қудратилла Рафиқов бу галги чиқишида тураржойлар қурилиш масаласи ҳақида сўз юритар экан, “биргина ўтган асрнинг 40 — 70-йилларида Тошкентда амалга оширилган меъморчилик нафақат қурувчилик, балки сиёсат даражасидаги масалага айланганини зукко одамлар яхши билишади”, дея зиёли қатлам дилининг тубидаги дардларни олиб чиқди. Негаки, ўтган асрда олиб борилган бунёдкорлик ишлари ҳам давлат сиёсати ва ҳукмрон мафкураларга хизмат қилгани аччиқ ҳақиқат. Бунинг оқибатида пойтахтимизда, қолаверса, янгидан пайдо бўлган Навоий, Олмалиқ, Ангрен, Учқудуқ, Зарафшон, Гулистон каби ўнлаб шаҳарларда қурилган кўп қаватли уйларни лойиҳалаштиришда миллий менталитетимиз инобатга олинмаган. Ўзбекона ҳаёт тарзимиз, рўзғор юритиш ва ҳаётий тутумларимизга терс ёндашув замирида миллатни ўзлигидан узоқлаштириш ғояси ётганини кеч англадик...



Уй-жой мавзуси дунё бўйича энг нозик масала ҳисобланади. АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция сингари ривожланган давлатларда ҳам хусусий уй соҳиби бўлиш орзуси армон бўлиб қолган минглаб тақдирлар, умрини ижарада ўтказаётган бир неча авлодлар борлиги оддий ҳақиқат. Ўзбек халқи учун тураржой шунчаки бошпана эмас, у оила қўрғони, Ватан ичидаги кичик ватан, энг улуғ маскан саналади. Шунинг учун мустақил ҳаётга қадам қўйган оила борки, ўз уйи — ўлан тўшаги бўлишини ният қилади. Аммо яқин ўтмишда уй-жой таъминоти юмшоқ қилиб айтганда, энг оғриқли масалага айланган эди. Урбанизация, бунёдкорлик ишлари, айниқса, Тошкентдек мегаполис шаҳарда жуда суст эди. Мустақиллик йилларида бунёд этилаётган саноқли кўп квартирали уйлар аҳоли талаб-эҳтиёжларини таъминлашда урвоқ ҳам бўлмасди. Бу ҳол, охир-оқибат, ижтимоий муаммоларни келтириб чиқарганидан ҳам кўз юма олмаймиз. Бу гапларни ортга тош отишга йўймаслик керак. Айтмоқчи бўлганимиз, аҳоли сони йилига ўртача 2 фоиз ўсиб бораётган катта мамлакатда тураржойлар қуриш ишлари эътибордан четда қолиб кетган эди.

Президентимиз бу нозик масалани чуқур ҳис қилиб, бунёдкорлик ишларини, аввало, шаҳар жойларда кўп хонадонли арзон уйлар, қишлоқларда намунавий тураржойлар бунёд этишга эътибор қаратди. Бунда аҳолининг барча қатламини имкониятлари инобатга олиниб иш тутилгани боис минг-минглаб оилалар ватанли бўлди. Айниқса, эҳтиёжманд, ногирон ва боқувчисини йўқотган оилаларга субсидиялар ажратиш, имтиёзли ипотека кредитлари бериш тартиби йўлга қўйилгани ижтимоий давлат тамойилининг амалдаги ифодаси бўлди, дейиш мумкин. Бир умр ўз уйига эга бўлиш умидида юрган оилалар қувончини рақамлар ва иқтисодий кўрсаткичлар билан ифодалашнинг имкони йўқ. Бу борадаги ягона мезон — одамларнинг розилиги. Тошкент шаҳрини ривожлантириш, ҳудудларни обод қилиш доирасида янгидан-янги яшаш мавзелари қурилиши асносида ана шундай бахтга эришилди.

Икки дарё оралиғидаги мўъжиза

Бугун Ўзбекистонда шиддатли бунёдкорлик руҳи ҳукмрон. Давлатимиз раҳбарининг ғояси ва ташаббуси билан барпо этилаётган Янги Тошкент миллий шаҳарсозликда янгилик сифатида Янги Ўзбекистон гултожига айланмоқда.

Юқори Чирчиқ ва Ўрта Чирчиқ туманларидан ажратилган қарийб 20 минг гектар ерда қад ростлайдиган бу шаҳарни “икки дарё оралиғидаги мўъжиза” деб аташ мумкин. Янги шаҳар учун Чирчиқ ва Қорасув дарёлари оралиғидаги жой бежиз танлангани йўқ. Президентимиз шу ҳақда тўхталганида лойиҳани амалга ошириш учун танлаб олинган ҳудуд денгиз сатҳидан 500 метр баланд бўлиб, шаҳарга яқинлиги, ўз иқлими, баҳаволиги ва икки дарё ўртасида жойлашгани билан ноёб ҳисобланишини, бу ер Худонинг халқимизга инъоми эканини алоҳида таъкидлаган эди.

Бизнингча, бу ер танланишида ҳам рамзий маъно бор. Тарихий манбалардан аёнки, “икки дарё оралиғи” шунчаки географик ҳудуд эмас, балки инсоният цивилизациясининг бешиги, давлатчилик, ёзув ва илм-фанга асос солинган, шаҳар маданияти шаклланган марказ ҳисобланади. Шу маънода, Янги Тошкент мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичи, Янги Ўзбекистоннинг “ташриф қоғози”га айланади.

Тошкент шаҳрининг 2045 йилгача бўлган бош режаси доирасида ишлаб чиқилган Янги Тошкент меъморий фалсафаси ўзида “ақлли”, экологик тоза “яшил” шаҳар концепциясини ифодалайди. Унинг экологияси тоза, ҳавоси мусаффо, иқлими мўътадил бўлишига алоҳида эътибор қаратилган. Бошқача айтганда, Президентимиз илгари сураётган “Тошкентнинг яшил белбоғи” лойиҳаси шу ердан бошланади. Яъни 420 гектар майдонда Марказий боғ барпо этилади. Бу борадаги саъй-ҳаракатлар аллақачон бошлаб юборилган.

> *“Бизнингча, бу ер танланишида ҳам рамзий маъно бор. Тарихий манбалардан аёнки, “икки дарё оралиғи” шунчаки географик ҳудуд эмас, балки инсоният цивилизациясининг бешиги, давлатчилик, ёзув ва илм-фанга асос солинган, шаҳар маданияти шаклланган марказ ҳисобланади. Шу маънода, Янги Тошкент мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичи, Янги Ўзбекистоннинг “ташриф қоғози”га айланади.”*

Кишини қувонтирадиган жиҳат шундаки, Янги Тошкент ҳудудининг 23 фоизи умумфойдаланишга мўлжалланган яшил майдонлар учун ажратиляпти. Бундан ташқари, қурилажак давлат ташкилотлари ва идоралар, тураржой мажмуаларининг бир қисмига дарахт экиш, яшил масканлар яратиш талаби қўйилган. Масалан, университетлар ҳудудининг 50 фоизи яшил ҳудудлар учун ажратилади. Бу Янги Тошкент довдарахтларга бурканган яшил қиёфада гавдаланишидан даракдир.

Шаҳар архитектурасида сув йўллари, ирригация тармоқларининг алоҳида ўрни бор, албатта. У нафақат боғ-роғлар, яшил ҳудудлар, саноат корхоналарини обиҳаёт билан таъминлайди, балки ўз атрофида микроиқлим ҳосил қилиб, шаҳарнинг сўлим ва баҳаво бўлишини таъминлайди, мажозий қилиб айтганда, шаҳар “ўпкаси”нинг ҳаво йўллари саналади. Шу боис қадим-қадимдан шаҳар маданияти дарё ва сув йўллари ўзанлари атрофида шаклланган. Дунёдаги энг ёш пойтахт шаҳарлардан бири ҳисобланган Остона ҳам Ишим дарёсининг сўл соҳилида вужудга келганини эслаш кифоя, назаримизда.

Шу жиҳатдан, Янги Тошкент сув ўзанлари учун жуғрофий томондан ҳам жуда қулай жойлашганини эътироф этиш мумкин. У Чирчиқ ва Қорасув дарёларидан сув ичадиган сўлим шаҳарга айланади. Янги Ўзбекистон бош меъморининг ғоясига кўра, қурилиш ишлари жадал олиб борилаётган янги инновацион шаҳарнинг барча ҳудудидан зилол сувлар оқиб туради.

Шу тариқа кўз ўнгимизда “шаҳар инсон учун” деган эзгу қадриятга таянилган ҳолда, аҳоли яшаши учун энг юқори қулайлик яратилиб, саноат корхоналаридан буткул холи бўлган “ақлли” ва экологик тоза шаҳар пайдо бўлмоқда. Меъморий ечимда замонавий бино-иншоотларнинг табиатга уйғунлиги, миллийлик ва инновациянинг ўзаро кесишуви таъминланиши шаҳар қиёфасини янада кўркамлаштириб юборади.

Маърифатли жамият асоси

Янги Тошкент қурилиши бошлангандан бери мени бир жиҳат доимо ҳайратга солиб келади. У ҳам бўлса, шаҳарнинг қурилиши бизнес марказлари ёки маъмурий бинолардан эмас, маърифат масканларини барпо этишдан бошланганидир.

Шаҳарда дастлаб Янги Ўзбекистон университети ва Ўзбекистон Миллий педагогика университетининг кампуслари, Миллий кутубхона, Миллий театр, Алишер Навоий номидаги халқаро илмий-тадқиқот маркази, Адабиёт музейи, ижод мактаби ҳамда Миллий мақом марказига тамал тоши қўйилди.

Нега айнан илм-фан, маънавият масканлари? Саволимга жавобни Президентимизнинг сўзларидан топдим: “Булар маърифатли жамият барпо этиш ғоямизнинг асоси ва намунаси бўлади”.

Бу ерда рейтинги юқори хорижий олийгоҳлар тажрибаси асосида “боғча — мактаб — университет” занжиридаги инновацион таълим кластери ташкил қилинади. Шу асосда биринчилар қаторида 20 минг талабага мўлжалланган ўқув бинолари, 5 минг ўринли ётоқхона, 300 ўринли боғча, 616 ўринли мактаб, 588 ўринли академик лицей, замонавий спорт комплекси, маданият саройи, амфитеатр ва бошқа объектларни ўз ичига олган Ўзбекистон Миллий педагогика университетининг янги кампуси қад ростлади. Таълим кластерининг ҳалқасига юртимиздаги энг нуфузли олийгоҳлардан бири бўлган Янги Ўзбекистон университети ҳам қўшилди. Бу ерда университетнинг 10 минг талабага мўлжалланган ўқув бинолари, 1 150 ўринли ошхона, кутубхона ва ихчам музей, спорт мажмуаси, олимпия сузиш ҳавзаси барпо этиляпти.

Мустақиллигимизнинг 35 йиллиги шодиёналари арафасида Янги Ўзбекистон университети, Низомий номидаги Ўзбекистон Миллий педагогика университети, Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг муҳташам бинолари, дунёдаги энг баланд мусиқали фаввора сифатида “Гиннеснинг рекордлар китоби”дан жой олган улкан фаввора ишга туширилди. Бу йилги мустақиллик байрами ушбу муҳташам кентда ўтказилдики, бу сиёсатшунос Қудратилла Рафиқов кузатишларига таяниб “давлат раҳбари қурилаётган ушбу шаҳарни нафақат одамлар истиқомат қиладиган замонавий бир мегаполис, балки янги дунё, янгича тафаккур ва озод одамни ифодаловчи тарихий бир ғоя тимсоли сифатида кўришини мен жуда кўп бор сезганман”, дея айтган сўзларининг амалий инъикосидир.

Замонавий ўзбек меъморчилигининг ёрқин намунаси

Жаҳон шаҳарсозлиги тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, шаҳарнинг марказий қисми асосий ўқ бўйлаб магистраль кўчаларга эга радиал услубдан кенгроқ фойдаланилади. Бу анъана милоддан аввалги II асрда шаклланган бўлса-да, XV — XVIII асрларда оммалашган. Пировардида Европанинг кўплаб давлатларидаги йирик шаҳарлар айнан шу архитектура асосида қурилди. У моҳиятан ҳар бир шахс ўзига керакли хизматларга энг қисқа йўл билан етиб олиш имконига эга бўлишга қаратилган.

Саноат инқилобидан кейин шаҳарсозликда транспорт ҳаракатланишига қулайлик яратиш мақсадида шахматли услубдан фойдалана бошланди ва унинг катак-диагонал шакли ривожланди. Бунга Барселона ва Вашингтон мисол бўла олади. Қизиқ томони шундаки, ушбу иккала шаҳарда ҳам шахмат катаклари шаклида жойлашган мавзеларни диагонал кўчалар кесиб ўтади.

Давлатимиз раҳбари қадимий ва замонавий шаҳарлар архитектураси, миллий меъморчилик мактабининг чуқур таҳлили асосида яратилаётган Янги Тошкент, энг аввало, одамлар яшаши учун қулай макон бўлиши керак, деган ғояни илгари сурди. Шундан келиб чиққан ҳолда, анъанавий ва инновацион шакллар уйғунлашувида минтақамиз учун тамомила янгилик бўладиган меъморий ечимга келинди. Бу 15 дақиқалик шаҳар концепциясини жорий этиш имконини беради. Натижада одамлар мактаб ва болалар боғчалари, савдо марказлари ва дўконлар, шифохона ва поликлиникалар каби муҳим ижтимоий соҳа объектлари, шунингдек, маъмурий бинолар ва жамоат транспортлари бекатларига узоғи билан 10 — 15 дақиқада пиёда етиб олади.

Янги Тошкент XXI аср замонавий ўзбек меъморчилигининг ёрқин намунаси ўлароқ, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг қурилиш ва бунёдкорлик соҳасида қилган инқилобидир. Бунинг кўлами нақадар кенг, миқёси эса қанчалик улканлиги ҳозирги шиддатли ўзгаришлар жараёнида кўзга у қадар ташланмаслиги табиий. Бироқ дўппини бошдан олиб, юртимиздаги янгиланишларга четдан туриб боқсанг, чинакам миллат фарзанди қураётган Янги Ўзбекистон фалсафасини, у хоҳлаётган юксалишлар моҳиятини англай бошлайсан, киши. Бу ўз тафаккур зиёси билан дунё илм-фанини ривожлантирган, икки Уйғонишга туртки берган буюк алломаларнинг авлодлари бугун ҳам ҳар бир соҳада етакчи бўлиши, бахтли ва фаровон ҳаёт кечириши, мамлакатимизни эса жаҳоннинг энг ривожланган давлатлари қаторига кўтаришга қодир эканлигидан рўйирост нишонадир.

Шавкат АЮПОВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси президенти,
Ўзбекистон Қаҳрамони.

Туркиянинг «Pegasus Airlines» лоукостер (арзон) авиакомпанияси Ўзбекистоннинг Андижон, Бухоро ва Термиз шаҳарларига мунтазам қатновларни йўлга қўйишни режалаштирмоқда.

Конференция

ТИББИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА АМАЛИЁТ УЙҒУНЛИГИ – ДАВР ТАЛАБИ

“Central Asian University” томонидан ташкил этилган “Шифокор йўли: таълим, камолот ва инновациялар” мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Дунёнинг етакчи олимлари, тиббиёт соҳаси мутахассислари ҳамда халқаро экспертлар иштирок этган анжуманда тиббий таълим, фан ва амалиёт интеграциясини чуқурлаштириш, инновацион технологиялар, жумладан, сунъий интеллект имкониятларидан самарали фойдаланиш масалалари муҳокама қилинди.

Унда Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Орал Атаниязова иштирок этди ҳамда мамлакатимизда олий тиббий таълимни ривожлантириш, малакали тиббиёт кадрларини тайёрлаш ва соҳада хусусий сектор иштирокини кенгайтириш учун яратилаётган имкониятларга алоҳида тўхталди. “Central Asian University” мисолида мамлакатимизда хусусий олий тиббий таълим ривожланаётгани, университетда замонавий таълим ва тиббий амалиёт учун зарур шароитлар яратилгани, шунингдек, халқаро ҳамкорлик изчил кенгайиб бораётгани таъкидланди.

Конференция доирасида дунёнинг 20 дан ортиқ мамлакатларидан келган талабалар иштирокида “Келажак тиббиёти” халқаро олимпиадаси ҳам ўтказилди. Мазкур танлов ёшларнинг касбий салоҳиятини намоён этиш, билим ва тажриба алмашиш ҳамда халқаро илмий алоқаларни мустаҳкамлаш учун муҳим майдон бўлди.

Тадбирда университетни ривожлантириш режалари, жумладан, 500 мингдан зиёд аҳолига бепул тиббий хизмат кўрсатиш имконини берувчи ижтимоий клиника ташкил қилиш ташаббуси эътироф этилди.

Сенат қўмитасида

ХАЛҚАРО ИНДЕКСЛАР – МАМЛАКАТ ҚИЁФАСИ КЎЗГУСИ

Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси мажлисида Жаҳон иқтисодий форумининг “Глобал гендер тафовути — 2026” индексида Ўзбекистоннинг натижалари, уларга таъсир этаётган омиллар ҳамда мавжуд муаммоларни бартараф этиш чоралари муҳокама қилинди.

Унда асосий эътибор нафақат мамлакатнинг рейтинг даражасини яхшилаш, балки хотин-қизларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш, меҳнатига муносиб ҳақ тўланишини таъминлаш, раҳбарлик лавозимларидаги иштирокини ошириш ва саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилди.

Хотин-қизларнинг меҳнат бозоридаги иштирокини ошириш устувор вазифалардан бири сифатида кўрсатилди. Бу борада, айниқса, кичик ёшдаги фарзанди бор аёлларнинг ишга қайтиши учун қулай шароит яратиш, парвариш хизматларини кенгайтириш ва бандликка тўсқинлик қилаётган омилларни бартараф этиш масалалари кўриб чиқилди.

Шунингдек, аёллар ва эркаклар ўртасидаги иш ҳақи тафовутларини корхона ҳамда тармоқлар кесимида таҳлил қилиш зарурлиги қайд этилди.

Мажлисда хотин-қизларни раҳбарлик, профессионал ва техник лавозимларга кенг жалб қилиш, уларнинг юқори технологияли соҳалардаги иштирокини ошириш, аёллар саломатлигига оид кўрсаткичларни ҳудудлар ва ижтимоий гуруҳлар кесимида чуқур ўрганиш масалаларига ҳам урғу берилди. Ўз навбатида, индекс халқаро ташкилотлар маълумотлари асосида шакллантирилишини инобатга олиб, миллий кўрсаткичларни тегишли базаларга ишончли, тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этиш, бу жараёнда масъул вазирлик ва идоралар ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш муҳимлиги айтилди.

Сенатор сўрови

МУРОЖААТДАН НАТИЖАГАЧА

Сенатор сўрови — парламент назоратининг қоғозда қолиб кетмаслиги, қонунлар ижросини ҳаёт билан уйғунлаштириш, давлат идоралари фаолиятида очиқлик ва ҳисобдорликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Зеро, ҳар бир сўров замирида муайян муаммони аниқлаш, сабабларини ўрганиш ва ечимини топиш мақсади мужассам. Унинг натижаси эса расмий жавобнинг мазмуни билан эмас, балки одамлар турмушида юз берган ижобий ўзгаришлар билан баҳоланади.

Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси Аксавли Тумишова фуқаролар мурожаатлари асосида “Дўстлик” ва “Шарқ” богдорчилик жамиятлари ҳудудидаги дала ҳовлиларни электр энергияси билан таъминлаш, бу ердаги узатиш тармоқларининг техник ҳолатини яхшилаш, аҳолини барқарор электр энергияси билан таъминлаш юзасидан сенатор сўрови юборган эди.

Зарафшон шаҳар электр таъминоти корхонаси сенатор сўровига жавоб йўллади. Унда баён қилинишича, мазкур ҳудудлардаги дала ҳовлилар 2026 йил июнь ойида Зарафшон шаҳар электр таъминоти корхонаси балансига қабул қилинган. Шунингдек, жорий йилнинг 19 — 26 октябрь кунлари ушбу ҳудудларни электр энергия билан таъминловчи 0,4 кВ кучланишли ҳаво электр узатиш тармоқларида тўлиқ таъмирлаш ишлари амалга оширилган.

Шу тариқа сенатор сўровида кўтарилган масала амалий ечим топди.

«Халқ сўзи».

Муносабат

ИНСОН МАНФААТИ – БОШ МЕЗОН

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида меҳнат миграцияси ҳамда хорижда ишлаш истагидаги аҳолини тил ва касбларга мақсадли ўқитиш масалаларига бағишлаб ўтказилган йиғилишда белгиланган устувор вазифалар ниҳоятда долзарб ва стратегик аҳамиятга эга.



Йиғилишда меҳнат миграциясига фақат хорижга ишчи кучини юбориш масаласи сифатида эмас, балки фуқароларнинг касбий салоҳиятини юксалтириш, уларни муносиб иш ўринларига жойлаштириш, даромадларини ошириш ва ижтимоий ҳимоясини таъминлашга қаратилган яхлит тизим сифатида ёндашилди.

Бугун хорижий меҳнат бозорида рақобатбардош бўлиш учун ишчидан муайян касбни пухта эгаллаш, хорижий тилни билиш, замонавий технологиялар билан ишлай олиш ва касбий малакага эга бўлиш талаб этилмоқда. Шу боис юртимизда 20 та техникумни танлаб, уларнинг ўқув дастурларини хорижий иш берувчилар талабларига мослаштириш, ҳар бир ҳудуддаги айрим техникумларни йирик тадбиркорлар бошқарувига бериш ташаббуслари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу орқали таълим муассасаларида назарий билим билан бир қаторда амалий кўникма ва меҳнат бозорида талаб юқори бўлган мутахассисликларни шакллантириш имконияти ҳам кенгаяди.

Йиғилишда ҳар бир вилоятда ягона миграция марказларини ташкил этиш, бунинг учун ҳудудларга 8 млрд. сўмдан маблағ ажратиш белгиланди. Мазкур марказлар фуқароларга касб ўрганиш, тил тайёргарлигидан ўтиш, хориждаги иш ўринлари ҳақида маълумот олиш ва ишга жойлашиш жараёнларида кўмаклашади. Бундай ёндашув миграция соҳасидаги хизматларни аҳолига янада яқинлаштириб, фуқароларнинг ортиқча сарсонгарчилиги ва ахборот етишмаслиги билан боғлиқ муаммоларни камайтиришга хизмат қилади.

Меҳнат миграциясида энг муҳим масалалардан бири — хорижда ишлаётган фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш. Зеро, инсон ўз юртидан узоқда меҳнат қилаётган пайтда ҳуқуқий, ижтимоий ёки маиший муаммоларга дуч келиши мумкин. Бундай вазиятларда унинг ёлғиз қолмаслиги, давлат томонидан зарур ёрдам ва кўмак олиши муҳим.

Президентимиз томонидан “Чет элда меҳнат қилаётган бирорта юртдошимиз ўз муаммоси билан ёлғиз қолмаслиги керак” деган қатъий талабнинг илгари сурилгани давлат сиёсатининг марказида инсон қадри ва манфаатлари турганини яна бир бор тасдиқлайди. Элчиларнинг фақат иш берувчилар билан келишувларга эришиш билан чекланмасдан, ишчи визалари, меҳнат квоталари, малака сертификатларини тан олиш ва фуқароларнинг янги муҳитга мослашувига ҳам масъул бўлиши белгиланган иқтисодий дипломатиянинг амалий аҳамиятини янада оширади. Шунингдек, хорижда меҳнат қилаётган юртдошларимизнинг ҳуқуқий ҳимояси, уларнинг оилаларини қўллаб-қувватлаш вазифасининг маҳаллий ҳокимликлар зиммасига юклатилиши ҳам ижтимоий ҳимоянинг узвийлигини таъминлашга хизмат қилади.

Йиғилишда белгиланган вазифалар меҳнат миграцияси соҳасида янги босқични бошлаб бериши билан аҳамиятлидир. Энг муҳими, энди асосий эътибор фуқароларни шунчаки хорижга юборишга эмас, уларни касбли, ҳуқуқий жиҳатдан ҳимояланган ва муносиб даромад топиш имкониятига эга мутахассис сифатида тайёрлашга қаратилмоқда. Инсон қаерда бўлишидан қатъи назар, меҳнати қадрланиши ва ҳуқуқлари ишончли ҳимоя қилиниши керак. Давлатимиз раҳбари илгари сураётган янги ёндашувнинг энг катта моҳияти ҳам айнан шунда.

Ўктамжон АХУНОВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

МАҚСАД – ЖАҲОН ТАЛАБИГА МОС КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ

Малакали кадрларга талаб тобора ортиб бораётгани жаҳон меҳнат бозорининг ўзига хос хусусиятларидан бири. Бу эса чет элда ишлаш истагидаги фуқароларимизни замонавий касблар ва хорижий тилларга ўқитиш, уларнинг халқаро меҳнат бозорида рақобатбардошлигини оширишни тақозо этмоқда.



Президентимиз раислигида меҳнат миграцияси ҳамда аҳолини касб ва тилларга мақсадли ўқитиш масалаларига бағишлаб ўтказилган йиғилишда айнан шу вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Таъкидлаш жоизки, бугун меҳнат миграцияси соҳасидаги асосий вазифа — фуқароларни хорижга ишга юбориш билан кифояланиш эмас, муҳими, уларни муносиб меҳнат шароити, барқарор даромад ва ижтимоий кафолатларга эга иш ўринларига тайёрлаш.

Йиғилишда келтирилган маълумотларга кўра, тартибли меҳнат миграцияси бўйича ҳамкорлик ўрнатилган давлатлар сони 27 тага, хорижий иш берувчилар сони эса қарийб 400 тага етган. Бу шериклик имкониятларидан самарали фойдаланиш учун кадрлар тайёрлаш тизимини меҳнат бозори талабларига мослаштириш ниҳоятда муҳим.

Айниқса, Германияда 45 минг нафар мутахассисга эҳтиёж мавжуд бўлса-да, ҳозирча атиги 2 000 нафар юртдошимиз ишга жойлашгани хорижий тилларни ўрганиш қанчалик муҳимлигини кўрсатади. Шу боис техникумларда касб билан бирга немис тилини ўқитиш, ҳудудларда ягона миграция марказларини ташкил этиш ва хорижий иш берувчилар талабига мос ўқув дастурларини қўллаш бўйича белгиланган вазифалар амалий натижаларга хизмат қилиши кутилмоқда. Айни жараёнда эса яна бир жиҳатга эътибор қаратиш зарур: ёшларимизга фақат иш топиб бериш эмас, балки уларнинг келгусида касбий ўсиши ва меҳнат фаолияти давомида янги билимларни эгаллаши учун ҳам шароит яратиш лозим. Бу эса таълим муассасалари, иш берувчилар ва хусусий бандлик агентликлари ўртасидаги ҳамкорликни кучайтиришни талаб этади.

Йиғилишда хусусий бандлик агентликлари масъулиятини ошириш, уларнинг очиқ рейтингини юритиш, фуқароларни юқори даромадли иш ўринларига жойлаштирган агентликларни рағбатлантириш механизмлари ҳам белгилаб берилди. Бунда фуқароларнинг ҳуқуқлари, меҳнат шартномалари ва ижтимоий кафолатларига риоя этилиши асосий мезон бўлиши лозим. Шунингдек, хорижда меҳнат қилаётган юртдошларимизнинг ҳуқуқий ҳимояси, уларнинг оилаларини қўллаб-қувватлаш ҳамда меҳнат миграциясидан қайтган фуқароларнинг тажрибасидан мамлакатимиз иқтисодиётида фойдаланиш масалаларига урғу қаратилгани эътиборга молик.

Айниқса, хорижда ишлаб қайтган фуқароларнинг касби, меҳнат стажи ва тажрибасини акс эттирувчи ягона платформани яратиш, уларни иш билан таъминлаш ва тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги вазифалар инсон капиталига инвестиция киритишнинг муҳим йўналишидир.

Қайд этиш жоизки, белгиланган вазифаларнинг самараси, аввало, уларнинг ҳудудларда қандай амалга оширилиши, фуқаролар ҳаётида ижобий ўзгаришлар бериши билан ўлчанади. Шу боис бу борада парламент ва жамоатчилик назорати, масъул ташкилотларнинг ҳисобдорлиги ҳамда натижадорлик катта аҳамият касб этади.

Шавкат ШАРИПОВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

Фракциялар ҳаёти

ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда ижтимоий-сиёсий ҳаётимизга доир масалалар ҳамда қуйи палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилаётган қатор қонун лойиҳалари атрофлича кўриб чиқилди.

Тадбиркорлар учун имкониятлар кенгаймоқда

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида Анқара шаҳрида бўлиб ўтган Туркий давлатлар ташкилотининг 13-саммитида Президентимиз томонидан илгари сурилган муҳим ташаббусларнинг аҳамияти ҳақида сўз юритилди.

Депутатлар давлатимиз раҳбарининг учинчи мамлакатлар билан “Туркий давлатлар ташкилоти плюс” форматидаги ҳамкорликни йўлга қўйиш, “Туркий дунё — 100” дастурини қабул қилиш, “Туркий давлатлар логистика комплекслари тармоғи”ни ташкил этишга доир таклифлари ташкилот доирасидаги алоқаларни кенгайтириш ҳамда унинг халқаро майдондаги нуфузини оширишга хизмат қилишини таъкидлади.

Саммит якунида қабул қилинган Анқара декларацияси эса туркий давлатлар ўртасида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ва минтақавий ҳамкорликни янада кенгайтириш учун муҳим асос бўлиши уқтирилди.

Йиғилишда якка тартибдаги тадбиркорларнинг лизинг хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган қонун лойиҳасининг муҳокамаси ҳам қизғин кечди. Лойиҳа билан лизинг объектини ҳисобга олиш тартибини такомиллаштириш таклиф этилмоқда. Бу эса лизинг объектларини ҳисобга олишда қулайлик яратиш, ҳисоб-китобларни аниқ юритиш ва соҳада шаффофликни ошириш имконини беради.

Қонун лойиҳасида лизинг олувчи якка тартибдаги тадбиркор бўлган ҳолларда лизинг объекти лизинг берувчининг балансида ҳисобга олиниши белгилаб қўйилмоқда.

Мунозаралар давомида фракция аъзолари — Зафар Худойбердиев, Сайдулло Азимов ва бошқалар қонун лойиҳасининг айрим моддалари юзасидан аниқлаштирувчи саволлар берди. Қонун ташаббускорлари ушбу масалалар юзасидан батафсил тушунтириш бериб ўтди.

Фракция аъзоси Бахтиёр Артиқов қонун лойиҳасининг долзарблиги ва уни қабул қилиш заруратига алоҳида тўхталиб, ҳужжатни иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида қўмита томонидан амалга оширилган ишларни эътироф этди ҳамда депутатларни қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлашга чақирди.

Йиғилишда кун тартибидаги масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Инвестициявий жозибадорликни оширишда қулайликлар

“Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси йиғилишида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза ва ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Ташаббускорлар қонун лойиҳасининг зарурати ҳақида гапириб, мамлакатимизда маъмурий тартиб-таомилларни соддалаштириш ва инвестициявий жозибадорликни оширишга қаратилган ҳуқуқий механизмларни такомиллаштиришда саноат мулки ва муаллифлик ҳуқуқи соҳасидаги айрим қоидаларни халқаро амалиётга мувофиқлаштириш зарурати юзага келаётганини таъкидлади. Хусусан, амалдаги “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонунда хизмат вазифалари ёки хизмат топшириғини бажариш вақтида яратилган асар ўн йилдан сўнг муаллифга қайтарилиши белгиланган. Эндиликда қонун лойиҳаси билан мазкур тартибни бекор қилиш таклиф этиляпти.

Йиғилишда таъкидланганидек, Адабий ва бадиий асарларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Берн конвенцияси ҳамда Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг муаллифлик ҳуқуқи билан боғлиқ шартномасида хизмат асари бўлган мулкий ҳуқуқни белгиланган маълум вақтдан сўнг муаллифга қайтаришга оид қоида белгиланмаган. Ушбу масала томонларнинг келишувига ҳавола қилинган. Бу борада халқаро тажриба ўрганилганда АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Япония каби давлатларда ҳам муаллифнинг хизмат асарига бўлган мулкий ҳуқуқлар фақат томонларнинг келишувига асосан белгиланиши кўрсатилган.

Лойиҳада патентларни ўз кучида сақлаш учун белгиланган божларни олдиндан беш йиллик давр учун тўлаш имконияти ҳам яратилмоқда. Шунингдек, интеллектуал мулк объектлари бўйича давлат экспертизаси қарорларидан норози бўлган шахсларга бевосита судга мурожаат этиш ҳуқуқи берилиши орқали Конституцияда белгиланган кафолатланган суд ҳимояси янада мустаҳкамланяпти, маъмурий жараёнлар соддалаштириляпти, ҳуқуқни ҳимоя қилиш самарадорлиги ошириляпти.

Депутат Зуҳра Мирғозиеванинг таъкидлашича, мазкур ўзгаришлар интеллектуал мулк объектларини муҳофаза ва ҳимоя қилиш тартибларини такомиллаштириш, маҳаллий ва хорижий инвесторлар учун қулай шарт-шароит яратиш ҳамда тадбиркорларнинг бозорга кириш имкониятларини янада кенгайтиришга хизмат қилади.



Муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси қўллаб-қувватланди.

Интеллектуал мулкни ҳимоялаш тизими кучайтирилади

“Адолат” социал-демократик партияси фракцияси йиғилишида интеллектуал мулкни ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва ҳимоялаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Муҳокамада таъкидланганидек, бугунги кунда интеллектуал мулк объектлари — муаллифлик асарлари, дастурий маҳсулотлар, ихтиро ва янги ишланмалар иқтисодиётнинг муҳим ресурсларидан бирига айланмоқда. Шу боис уларни яратувчиларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш, интеллектуал фаолият натижаларидан самарали фойдаланиш учун қулай ҳуқуқий шароит яратиш долзарб аҳамият касб этади.

Қонун лойиҳасида қатор муҳим ўзгартишлар назарда тутилган. Жумладан, ходим хизмат вазифасини бажариш жараёнида яратган асар ёки дастурий маҳсулотга бўлган мулкий ҳуқуқларни белгилашда иш берувчи ва муаллиф ўртасидаги шартнома асосий мезон бўлиши таклиф этилмоқда. Амалдаги қонунчиликда назарда тутилган, асар эълон қилинганидан кейин ўн йил ўтгач, мулкий ҳуқуқларнинг муаллифга автоматик ўтишига оид қоида бекор қилинмоқда.

— Бугунги кунда интеллектуал мулк нафақат ижодий меҳнат натижаси, балки иқтисодий тараққиёт ва инновацион ривожланишнинг муҳим омилига айланмоқда, — деди фракция аъзоси Беҳзод Тўхтамуродов. — Шу боис муаллифлар, ихтирочилар ва тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш, уларга ўз манфаатларини суд орқали ҳимоя этиш имкониятини бериш долзарб аҳамиятга эга. Таклиф этилаётган ўзгартиришлар интеллектуал мулк соҳасида ҳуқуқий кафолатларни кучайтириш, инвестициявий жозибадорликни ошириш ва инновацион фаолият учун янада қулай муҳит яратишга хизмат қилади.

Яна бир муҳим янгилик патентларнинг амал қилишини сақлаб туриш учун давлат божини тўлаш тартибига тааллуқли. Энди патент эгалари тўловни ҳар йили амалга ошириш билан чекланиб қолмай, уни беш йиллик давр учун олдиндан тўлаш имкониятига эга бўлади. Бу патент эгалари учун қулайлик яратиб, ўз вақтида тўлов қилинмагани сабабли патентнинг амал қилиши тугатилиши ҳолатларини камайтиради.

Муҳокама давомида депутатлар қонун лойиҳаси юзасидан саволлар бериб, тегишли жавоблар олди ҳамда ўз таклифларини билдирди. Фикр алмашинувлар якунида қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан қўллаб-қувватланди.

Аҳолига енгиллик берадиган таклифлар қўллаб-қувватланди

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси йиғилишида дастлаб якка тартибдаги тадбиркорларнинг лизинг хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, мазкур қонун лойиҳаси ўз ишини йўлга қўйган, лекин фаолиятини кенгайтириш учун қўшимча техника, ускуна ёки транспорт воситасига эҳтиёж сезаётган тадбиркорлар учун янги имкониятлар яратишни назарда тутади. Эндиликда якка тартибдаги тадбиркорлар ҳам лизингдан фойдаланишда юридик шахслар каби ҳуқуққа эга бўлиши мумкин. Шунингдек, лойиҳада лизинг объектига бўлган эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқларини амалга ошириш тартиби ҳам аниқ белгилаб берилмоқда.

Муҳокама чоғида фракция аъзолари лойиҳанинг айрим нормаларини такомиллаштиришга оид таклифларни илгари сурди. Хусусан, фракция аъзолари — Шокиржон Аҳмедов ва Одилжон Иминов қонун лойиҳасининг 7-моддасида кўзда тутилган лизинг объектини ҳисобга олиш ва рўйхатдан ўтказиш тартибини белгиловчи ҳуқуқий меъёрлар қонун лойиҳасининг бошқа қисмларида ҳам такрорланаётгани, шу боис унга таҳририй тузатишлар киритиш лозимлигини таъкидлади. Бундан ташқари, ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларини алоҳида эмас, балки битта хатбошида бирлаштириб, таҳририй жиҳатдан такомиллаштирилган ҳолда баён этиш ҳам таклиф қилинди.

Савол-жавоблардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Йиғилишда ҳудудларда чет эл инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш жараёнларини мониторинг қилиш, инвестициявий самарадорликни баҳолаш ва инвесторлар билан ишлаш механизмларини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида инвестициялар, саноат ва савдо вазирининг парламент сўровига жавоби кўриб чиқилди. Берилган жавобга кўра инвестиция лойиҳалари ижросини рақамли мониторинг қилиш, уларда юзага келадиган муаммоларни ўз вақтида аниқлаш, махсус иқтисодий зоналар бошқарувини такомиллаштириш ҳамда давлат кафолати остида жалб этилган хорижий кредитлардан самарали фойдаланиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Фракция аъзолари муҳокама чоғида ҳудудларнинг мавжуд салоҳияти ва ихтисослашувидан келиб чиқиб маҳаллий корхоналар билан кооперацияни кучайтириш лозимлигини қайд этди. Муҳокамадан сўнг кун тартибидаги ушбу масала қўллаб-қувватланди.

Миграция ва персоналлаштириш бўлинмалари фаолияти такомиллаштирилмоқда

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси йиғилишида миграция ва персоналлаштириш бўлинмалари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, қонун лойиҳаси билан миграция ва персоналлаштириш бўлинмалари фаолиятини такомиллаштириш, чет эл фуқароларига меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тасдиқномаларни расмийлаштириш тартибини такомиллаштириш назарда тутилмоқда. Хусусан, қонун лойиҳасига мувофиқ чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига доир тасдиқномаларни расмийлаштириш учун Давлат хизматлари марказлари билан бир қаторда Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Миграция ва персоналлаштириш департаменти ҳамда унинг ҳудудий бошқармаларига ҳам мурожаат қилиш имконияти яратилмоқда. Шунингдек, қонун лойиҳаси билан чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш муддатлари аниқлаштирилмоқда.

Йиғилишда фракция аъзолари қонун лойиҳаси юзасидан билдирилган фикр ва таклифларни муҳокама қилиб, уни қўллаб-қувватлади.

Шундан сўнг интеллектуал мулкни ҳуқуқий муҳофаза ва ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳаси билан хизмат вазифаларини ёки хизмат топшириғини бажариш жараёнида яратилган асарларга бўлган мулкий ҳуқуқларни тартибга солишда томонларнинг шартномавий эркинлигини таъминлаш назарда тутилмоқда.

Фракция аъзоларининг фикрича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши интеллектуал мулк соҳасидаги ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш, маҳаллий ва хорижий инвесторлар учун ишончли ҳуқуқий муҳит яратиш ҳамда мамлакатимизнинг инвестициявий жозибадорлигини оширишга хизмат қилади.

Муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан қўллаб-қувватланди.

«Халқ сўзи».

Беларусь Миллий мажлиси Вакиллар палатаси ўзбекистонлик меҳнат мигрантларини жалб этиш тўғрисидаги битимни ратификация қилди.

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2026 йил 3 ноябрь

ЭРИШИЛГАН ЮТУҚЛАР ЧЕГАРА ЭМАС

1 2017 йилдан бошланган ислоҳотларда қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланди. 2023 йилда эса бу сиёсий-ҳуқуқий эволюция мантиқий давомини топиб, янги таҳрирдаги Конституцияда Ўзбекистоннинг ҳуқуқий давлат экани тўғридан-тўғри мустаҳкамланди.

Ҳуқуқий давлат концепцияси фақат қонун устуворлигини таъминлаш билан чекланмайди. Қонуннинг ўзи ҳам адолатли бўлиши ҳамда мутаносиблик ва инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш тамойилларига асосланиши лозим. Айнан шу мақсадда Адлия вазирлиги томонидан турли соҳаларда белгиланган мажбурий талаблар адолат нуқтаи назаридан тўлиқ қайта кўриб чиқилмоқда. Мазкур йўналишда тадбиркорлик соҳасидаги мажбурий талабларнинг ягона электрон реестри шакллантирилди.

Тадбиркорлар учун кенг имкониятлар

Электрон реестр тадбиркорлик фаолияти учун “Бизнес-навигатор” бўлиб хизмат қилади ва улар фаолиятини текширишда қонунийликни таъминлайди ҳамда асоссиз жавобгарлик чоралари қўлланилишининг олдини олади. Шунингдек, айни соҳада “Бизнес-калькулятор” вазифасини бажариб, тадбиркорларга нисбатан бюджет харажатларини, маъмурий юк ва бюрократияни баҳолашга имкон яратади. Муҳими, қонунчилик ҳужжатларидаги зиддиятли, эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган қоидаларни тезкорлик билан аниқлаш ҳамда бартараф қилишда қўл келади.

Ушбу реестрга 42 мингдан ортиқ талаблар киритилиб, номақбул деб топилган 2,5 мингдан кўп ортиқча талабларни қисқартириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди ва уларнинг 1,6 мингдан зиёди ҳукумат қарорлари билан бекор қилинди.

Бир қарашда булар қонунчилик техникасига оид рақамлардек кўриниши мумкин. Аслида эса улар Президентимиз илгари сурган давлатнинг иқтисодиётга аралашувини қисқартириш, тадбиркорга эркин ишлаш учун шароит яратиш ва бюрократик тўсиқларни бартараф этиш сиёсатининг ҳуқуқий ифодасидир. Ҳар бир бекор қилинган асоссиз талаб ортида тадбиркор вақти ва маблағининг тежалиши, давлат органи билан мулоқотининг камайиши бор.



Ҳуқуқий давлат фақат қонунлар сони билан эмас, балки уларнинг сифати ва асосланганлиги билан ҳам баҳоланади. Шу нуқтаи назардан, далиллар билан “михланган” норма ижодкорлиги ҳамда “Қонунларнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш” (ТСТБ) институтининг жорий қилиниши алоҳида аҳамият касб этаётир. Мазкур ёндашув ҳар бир янги мажбурият ёки чекловнинг жамият учун зарурати ва ундан кутилаётган натижа ўртасидаги мутаносибликни таъминлайди.

Эътибор беринг, 2021 — 2025 йилларда тартибга солиш таъсирини баҳолаш орқали қарийб 10 трлн. сўмлик ортиқча харажатларнинг олди олинган бўлса, фақатгина жорий йилнинг биринчи ярмида бу кўрсаткич қарийб 1,0 трлн. сўмлик даражага етди. Шунингдек, ҳужжатларнинг ҳақиқий амалий натижадорлигини таъминлаш мақсадида қонунлар учун “KPI” тизими жорий этилди. Хусусан, 2025 йилда юзга яқин қонунчилик ҳужжатларининг самарадорлиги баҳоланиб, натижалари Президент Администрацияси, парламент ва ҳукуматга киритилди. Айни пайтда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс янги таҳрирда тубдан қайта ишлаб чиқилмоқда.

Норма ижодкорлиги ва рақамли технологиялар

Замонавий ҳуқуқий давлатни барпо этиш норма ижодкорлиги жараёнларини ҳам янги босқичга олиб чиқишни талаб қилади. Бугун бу борадаги энг истиқболли йўналишлардан бири сунъий интеллект ва рақамли технологиялар имкониятларидан фойдаланишдир.

Дунёда кенг қўлланилаётган “Law as Code” (“Қонун — код сифатида”) ёндашуви асосида миллий қонунчиликнинг янги базасини шакллантириш имкониятлари ўрганилмоқда. Бу ҳуқуқий нормаларни қўллашда субъектив талқинларни камайтириб, қоидаларнинг аниқ ҳамда изчил ишлашини таъминлайди.

Қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш жараёнларига ҳам сунъий интеллект технологияларини жорий этиш ишлари амалга оширилмоқда. Бунда давлат органларининг маълумотлар базаларини интеграция қилиш, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, суд қарорлари, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг мурожаатлари ҳамда бошқа маълумотларни таҳлил қилиш орқали лойиҳаларнинг иқтисодий, ижтимоий ва экологик таъсирини автоматлаштирган ҳолда олдиндан баҳолаш имконияти яратилади.

Юқоридаги ташаббусларни рўёбга чиқариш ҳамда ҳуқуқий соҳа учун инновацион ечимларни яратиш мақсадида вазирлик томонидан “Ҳуқуқий инновациялар лабораторияси”ни ташкил этиш ишлари режалаштирилмоқда. Лаборатория доирасида IT-компаниялар, стартап жамоалари, ҳуқуқшунослар ўртасида самарали ҳамкорлик йўлга қўйилиб, уларнинг инновацион ғояларини ҳуқуқий технологиялар соҳасида амалий ечимларга айлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш кўзда тутилмоқда.

> *Ҳуқуқий хизматлар борасидаги ўзгаришлар ҳам фуқароларнинг кундалик ҳаётида яққол сезилмоқда. Масалан, 2026 йилнинг биринчи ярмида 460 мингдан ортиқ нотариал ҳаракатлар масофадан туриб (онлайн) расмийлаштирилди, давлат хизматларининг эса 90 фоиздан зиёди электрон шаклга ўтказилди. Бу рақамлар ортида давлат ва фуқаро муносабатларининг бутунлай янги модели турибди.*

Сир эмас, ҳуқуқий тарбия ва маданият ислоҳотларнинг маънавий пойдевори ҳисобланади. Қонун устуворлиги фақатгина кучли норматив база, жарималар ёки рақамли тизимлар билангина таъминланмайди. Ҳар қандай ҳуқуқий механизмнинг самарадорлиги, аввало, жамиятда шаклланган ҳуқуқий маданият ва тарбия дастурларига бевосита боғлиқ.

Президентимиз таъкидлаганидек, жамиятда ҳуқуқий онг ҳамда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш демократик тараққиётнинг энг муҳим шарти. Агар фуқаро қонунни фақат мажбурият ёки тақиқ сифатида эмас, балки ўз ҳуқуқларини кафолатлайдиган ишончли қалқон ўрнида англасагина, чинакам ҳуқуқий жамият барпо этилади. Шу боис кейинги йилларда ҳуқуқий тарбия ёндашувлари ҳам тубдан ўзгарди. Анъанавий қарашлардан воз кечиб, қонунларни ҳаётий мисоллар, замонавий медиамаҳсулотлар ва амалий кўникмалар орқали ўргатиш тизимига ўтилмоқда. Ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, мактаб ва олий таълим даргоҳларидан бошлаб қонунга ҳурмат туйғусини сингдириш энг муҳим стратегик вазифаларимиздан биридир.

Шунга кўра қонунни ҳурмат қилиш ҳар бир фуқаронинг кундалик одатига айланмас экан, кўзланган олий мақсадларга тўлақонли эришиб бўлмайди.

Ҳуқуқий хизматлар такомиллашмоқда

Ҳуқуқий хизматлар борасидаги ўзгаришлар ҳам фуқароларнинг кундалик ҳаётида яққол сезилмоқда. Масалан, 2026 йилнинг биринчи ярмида 460 мингдан ортиқ нотариал ҳаракатлар масофадан туриб (онлайн) расмийлаштирилди, давлат хизматларининг эса 90 фоиздан зиёди электрон шаклга ўтказилди.

Бу рақамлар ортида давлат ва фуқаро муносабатларининг бутунлай янги модели турибди. Ўн йил аввал фуқаро бир маълумотнома учун идорама-идора юрган бўлса, бугун давлатнинг ўзида мавжуд маълумотни фуқародан яна талаб қилмаслик принципи қарор топмоқда. Илгари инсон давлат хизматини излаб борган бўлса, энди навбатдаги мақсад — давлат хизматининг инсонни ўзи “топиши”. Проактив хизматлар ғоясининг моҳияти ҳам шунда.

Президентимиз илгари сурган “давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган тамойилнинг энг аниқ амалий ифодаларидан бири айнан мана шу трансформациядир. Эндиликда биз фақат “электрон давлат хизмати” билан чекланиб қолмасдан, инсон иштирокини минималлаштирадиган проактив ва автоматик хизматлар тизимига ўтишни мақсад қилганмиз. Яъни давлат фуқаронинг мурожаатини кутиб ўтирмасдан, унга қонун бўйича тегишли хизматни ўзи таклиф этиши керак.

Адвокатура институтининг ролини кучайтириш, юридик ёрдамдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш механизмлари такомиллаштирилди. Бунда асосий мезон инсон ўз ҳуқуқи бузилганда уни тез, адолатли ва ортиқча харажатсиз тиклай олишидадир.

Шунинг учун келгуси босқичда низоларни судгача ҳал этиш, медиация ва бошқа муқобил механизмларни кенгайтириш, профессионал юридик ёрдам сифати ҳамда рақамли технологиялар орқали одил судловга эришиш имкониятларини янада ошириш муҳим вазифа бўлиб қолади.

Устувор вазифалар

Бугун дунё жуда тез ўзгармоқда. Сунъий интеллект, рақамли иқтисодиёт, трансчегаравий муносабатлар ҳуқуқ тизими олдига мутлақо янги саволларни қўймоқда. Қолаверса, ўтган йилларда яратилган ҳуқуқий пойдевор эндиликда биздан ислоҳотларнинг сифат жиҳатдан янги босқичига ўтишни талаб қилаётир. Бунда асосий мақсад — янги қонунлар сонини кўпайтириш эмас, уларнинг инсон ҳаётидаги реал самарасини ошириш.

Шу маънода, Ўзбекистон ҳуқуқий тараққиётининг келгуси босқичида қатор устувор вазифалар турибди. Аввало, инсон ҳуқуқлари ҳимоясининг амалий механизмларини янада кучайтириш, қонунчиликни ихчам, тушунарли ва барқарор қилиш, ҳар бир янги тартибга солишнинг фуқаро ҳамда бизнесга таъсирини олдиндан ва кейинчалик баҳолаш чораларини кўриш жуда муҳим. Бундан ташқари, малакали юридик ёрдам олиш имкониятларини кенгайтириш, низоларни судгача ҳал этиш жараёнларини соддалаштириш ва рақамлаштириш ҳам диққат марказимизда бўлмоқда.

Давлат хизматларини инсон эҳтиёжлари асосида қайта қуриш, уларни проактив ва имкон қадар автоматик шаклга ўтказиш, шунингдек, сунъий интеллект ҳамда “LegalTech” имкониятларидан фойдаланган ҳолда янги авлод ҳуқуқий экотизимини шакллантириш масаласи ҳам жуда долзарб.

Асосийси, қонун инсон учун мураккаб тўсиқ эмас, балки унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қиладиган ишончли восита бўладиган ҳуқуқий тизимни барпо этиш пировард мақсадларимиздан.

Акбар ТОШҚУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси адлия вазири.

Фестиваль

ҚОВУН САЙЛИ

Азалдан полиз маҳсулотлари етиштириш борасида бой тажриба тўпланган ва ўзига хос деҳқончилик анъаналари шаклланган Бешариқ туманидаги Андархон қишлоғида “Қовун сайли” байрами бўлиб ўтди.



Тадбирда Фарғона водийси вилоятларидан келган қовун етиштирувчилар, хорижий меҳмонлар ҳамда кенг жамоатчилик вакилларига қовуннинг сара навлари намойиш этилди.

— Бу йилги байрам тантаналарида полиз экинлари мутахассислари, олимлар, МДҲ ва Осиё қитъаси давлатларидан юзлаб сайёҳлар қатнашди, — дейди Бешариқ тумани ҳокими ўринбосари Отабек Алиматов. — Қовун ва бошқа полиз маҳсулотлари, миллий таомлар кўргазмалари ўтказилиб, меҳмонларга улардан баҳраманд бўлиш имконияти ҳам яратилди.

Сайил давомида қовун етиштириш ва уни узоқ муддат сақлаш бўйича маҳорат машғулотлари ташкил этилди.

Андархон қовун сайли нафақат мазаси тилёрар ширин-шакар қовунлар, балки миллий деҳқончилик тажрибаси, меҳнатсеварлик ва авлоддан-авлодга ўтиб келаётган қадриятлар намойиши сифатида ҳам аҳамиятлидир.

Ботир МАДИЁРОВ
(«Халқ сўзи»).

Кўрик-танлов

ЁШ БАХШИЛАР БЕЛЛАШУВИ

Чироқчи туманида Ўзбекистон халқ бахшиси Шомурод Тоғаев хотирасига бағишлаб “Қашқадарё ёш бахшилари” вилоят кўрик-танлови ўтказилди.

Ўзбек бахшичилик санъатида алоҳида мактаб яратган Шомурод бахши Тоғаев 1932 йилда Чироқчи туманининг Араббанди қишлоғида туғилган. Унинг болалик ва ёшлик йиллари Сибирда, сургунда кечган. Шунга қарамай, дўмбирасини қўлдан қўймаган. Ўнлаб достонларни маромига етказиб ижро этган, юзлаб термалар яратган. Айниқса, “Гулдан”, “Меҳкам чол” каби термалари халқ орасида машҳур. У 2020 йилда, 88 ёшида ҳаётдан кўз юмган.

“Қашқадарё ёш бахшилари” вилоят кўрик-танлови Шомурод бахшининг хотирасини абадийлаштириш ҳамда бахшичилик йўналишида фаолият юритаётган ёш иқтидорларни қўллаб-қувватлашда муҳим қадам бўлди.

Танловда вилоятнинг турли ҳудудларидан келган ёш бахшилар ўз маҳоратларини намойиш этди. Уларнинг чиқишлари ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳолаб борилди. Якунда қатор номинациялар бўйича ғолиб ва совриндорлар аниқланиб, эсдалик совғалари ва пул мукофотлари билан тақдирланди.

Жаҳонгир БОЙМУРОДОВ
(«Халқ сўзи»).

ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯ ВА МУШТАРАК ТАРАҚҚИЁТ САРИ

1



Янги Ўзбекистонни барпо қилишга қаратилган иқтисодий, институционал ва ижтимоий ўзгаришлар ташқи сиёсатда ҳам очиқлик, прагматизм ва ўзаро манфаатдорлик тамойилларини кучайтирмоқда. Мамлакат иқтисодий салоҳиятининг ортиши, инвестициявий муҳитнинг яхшиланиши, транспорт ва энергетика инфратузилмасининг ривожланиши Ўзбекистоннинг минтақавий жараёнлардаги амалий ҳиссасини кенгайтириш учун янги имкониятлар яратмоқда.

Бугунги минтақавий жараёнлар сиёсий келишувларнинг сони билан эмас, балки уларнинг халқлар ҳаётида сезиладиган амалий натижалари билан ўлчанмоқда. Савдо ҳажмини ошириш, янги транспорт йўлакларини ишга тушириш, энергия ресурсларидан самарали фойдаланиш, чегараолди ҳудудлар ҳамкорлигини кенгайтириш, ёшлар ва талабалар алмашинувини ривожлантириш каби вазифаларнинг барчаси бир мақсадга — Марказий Осиёни тинч, барқарор, иқтисодий жиҳатдан ўзаро боғланган ва рақобатбардош маконга айлантиришга қўмак беради.

Марказий Осиё ўз тараққиётининг янги, тарихий аҳамиятга молик босқичига қадам қўйди. Бугун биз чинакам бирдамлик даврини бошдан кечиряпмиз. Минтақамизда узоқ йиллар мобайнида илк бор биргаликда олдинга қараб интилиш учун пойдевор бўлиб хизмат қилаётган ўзаро ишонч, яхши қўшничилик ва ҳурмат муҳити шаклланди. Бу ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолгани йўқ. Бу умумий тақдир ва бирга тараққий этиш салоҳиятини англаб етган давлатларимиз етакчиларининг, айниқса, Ўзбекистон Президентининг ташаббуслари ва қатъий сиёсий иродаси натижасидир. Бугунги кунда эришилган олий даражадаги келишувларни фуқаролар ва бизнес учун аниқ натижа ва қулайликларга айлантириш стратегик заруратга айланди.

Сўнгги саккиз йилда минтақамизда мутлақо янги иқтисодий манзара қарор топди. Ялпи ички маҳсулот 2,5 баробар ўсиб, 520 млрд. долларга етди. 2026 йилда умумий ҳажм илк бор 600 млрд. доллардан ошиши башорат қилинмоқда. Ташқи савдо ҳажми 2 каррадан зиёд ўсиб, 253 млрд. долларга, минтақа ичидаги ўзаро савдо эса 2 баробар кўпайиб, 11 млрд. долларга етди. Ўзбекистоннинг минтақа билан савдоси 2,4 млрд.дан 7,2 млрд. АҚШ долларга ошди.

Қўшнилар ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг фаоллашуви Марказий Осиё саноатининг йилига қарийб 6 фоизга ўсишига олиб келди. Бу жаҳон ўртача кўрсаткичидан 2 карра тез деганидир. Қўшма инвестиция фондлари, масалан, Ўзбекистон — Қирғизистон, Ўзбекистон — Тожикистон, Қозоғистон — Қирғизистон ва 2025 — 2027 йилларга мўлжалланган саноат кооперацияси дастурлари бу ўсишнинг асосий драйвери ҳисобланади. 80 миллионлик аҳолига эга Марказий Осиё Евроосиёнинг муҳим қисмига айланди. Натижада бугун барча куч марказлари Марказий Осиёга интилаётганига гувоҳ бўляпмиз.

Минтақада илгари энг оғриқли бўлган сув-энергетика масалалари айничоғда муштарак ривожланиш платформасига айланмоқда. Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон “Қамбарота ГЭС-1” гидроэнергетик лойиҳасини биргаликда молиялаштириш ва қуришга келишиб олди. Ўзбекистон ва Тожикистон иштирокида Зарафшон дарёсида Ёвон ва Фондарё ГЭСлари барпо этилмоқда. Туркманистон билан Амударё сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича келишувга эришилди. Ўзаро мурoса ва ҳурмат асосида “Чашма” булоғи ва “Баҳри Тожик” каби умумий сув омборлари ва манбалардан вегетация даврида фойдаланиш механизмлари шаклланди.

> *Сўнгги саккиз йилда минтақамизда мутлақо янги иқтисодий манзара қарор топди. Ялпи ички маҳсулот 2,5 баробар ўсиб, 520 млрд. долларга етди. 2026 йилда умумий ҳажм илк бор 600 млрд. доллардан ошиши прогноз қилинмоқда. Ташқи савдо ҳажми 2 каррадан зиёд ўсиб, 253 млрд. долларга, минтақа ичидаги ўзаро савдо эса 2 баробар кўпайиб, 11 млрд. долларга етди. Ўзбекистоннинг минтақа билан савдоси 2,4 млрд.дан 7,2 млрд. АҚШ долларга ошди.*

Жаҳон сиёсати ва иқтисодиётида ўзгаришлар шиддат билан давом этаётган бир пайтда, минтақалар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш ва янги транспорт йўлларини излаш муҳим аҳамият касб этаётгани ҳам сир эмас. Бу борада “Ўрта йўлак” лойиҳаси Марказий Осиё, Кавказ ва Европани боғловчи муҳим транспорт артерияси сифатида эътиборни тортмоқда.

Марказий Осиё давлатлари денгизга чиқиш имконияти чекланганлиги сабабли “Ўрта йўлак” улар учун жаҳон бозорларига чиқишнинг муҳим йўлидир. Россия ҳудудидан ўтувчи анъанавий йўлларга муқобил бўлган бу йўл геосиёсий хатарларни камайтиришга хизмат қилади. “Ўрта йўлак” минтақа давлатлари ўртасидаги савдо алоқаларини кучайтириш, экспорт ва импорт ҳажмини ошириш имконини беради.

Ўзбекистон ўз маҳсулотларини — тўқимачилик, кимё саноати, мева-сабзавот ва тоғ-кон металлургия бойликларини жаҳон бозорларига чиқаришда биргина йўналишга қарамликни бартараф этаётгани эътиборли. Расмий Тошкент қўшни давлатлар ва Жанубий Кавказ портлари орқали экспорт имкониятларини кенгайтиришни кўзламоқда.

Евроосиё тараққиёт банкининг баҳолашича, 2030 йилга келиб Марказий Осиё орқали ўтадиган учта асосий йўлак бўйлаб умумий юк оқими бир ярим баравар ўсиб, 95 млн. тоннага етиши мумкин. Контейнер ташувлари янада катта динамикани намойиш этиб, деярли учдан икки қисмга кўпаяди ва 1,7 млн. TEU (йигирма футлик эквивалент бирлиги)га етади. Марказий Осиё минтақасининг ҳар бир мамлакати миллий стратегиялар доирасида ўз ҳудудидаги йўлакнинг ўтказувчанлик қобилиятини сезиларли даражада оширишни режалаштирмоқда.

Марказий Осиё учун юк ташувларида Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли ҳам стратегик роль ўйнайди. Қурилиши фаол олиб борилаётган йўлнинг истиқболдаги йиллик юк ўтказиш қуввати 15 млн. тоннагача бўлади. Минтақа фақат транзит йўлак бўлиб қолмаслиги керак. Шу боис йўллар бўйлаб саноат корхоналари, қайта ишлаш мажмуалари ва рақамли логистика хабларини ташкил этиш орқали максимал қўшилган қиймат яратилади.

Яна бир муҳим имконият шундаки, минтақанинг очиқлиги ва тинчликсеварлиги туфайли жаҳоннинг етакчи марказлари билан боғловчи қатор “Марказий Осиё плюс” (“C5+”) форматлари фаолият юритаётир. Бу мулоқотлар эндиликда давлат раҳбарлари даражасидаги доимий саммитларга айланиб, аниқ инвестициявий ва инфратузилмавий лойиҳалар билан тўлмоқда.

Бугунги кунда дунё бўйлаб литий, уран, мис, вольфрам, ноёб ер элементларига талаб жуда юқори. Марказий Осиё бу захиралар бўйича етакчи ўринларда туради. “C5+” форматлари ушбу хомашёларни шунчаки арзон нархда экспорт қилиш эмас, балки Ғарб ва Осиёнинг етакчи компанияларини жалб этган ҳолда уларни минтақанинг ўзида чуқур қайта ишлаш ва юқори қийматли маҳсулот яратиш имконини беради. Қолаверса, хавфсизлик ва экологик таҳдидларга биргаликда қарши курашиш, терроризм, наркотрафик, трансчегаравий жиноятчилик ҳамда Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш бўйича глобал донорлар ва ҳарбий-сиёсий марказлар билан мувофиқлашган ҳолда ишлаш мумкин бўлади.

Марказий Осиё интеграцияси жадаллашаётган бўлса-да, унинг олдида қатор чақириқлар ҳам мавжуд. Минтақа ўз тўлов ва рақамли инфратузилмасини яратар экан, у ташқи йирик геосиёсий марказлар ҳамда технологик гигантларга қарам бўлиб қолмаслиги лозим. Божхона ва тариф тизимларини уйғунлаштириш, давлатлар ўртасидаги нотариф тўсиқларни қисқартириш ва божхона расмийлаштирувини рақамли форматга тўлиқ ўтказиш зарур. Орол денгизи қуриши оқибатлари ва иқлим ўзгариши сабабли музликларнинг эриши умумий экологик стратегияни қабул қилишни тақозо этмоқда.

Минтақада тинчлик-барқарорликни мустаҳкамлаш, иқтисодий тараққиёт ва халқлар фаровонлигини таъминлаш бугунги кун вазифасига эмас, келажак авлодларнинг ҳам олдидаги масъулиятдир. Бу масъулиятни англаган ҳолда ҳаракат қилаётган давлатлар эса ўз тақдирини бир-бири билан боғланган ҳолда, имкониятларини умумий тараққиёт ва фаровонлик сари йўналтирмоқда. Шу жиҳатдан қараганда, Марказий Осиёда бугун шаклланаётган ҳамжиҳатлик муҳити минтақанинг эртанги тараққиёти учун энг муҳим стратегик капиталдир.

Шамсиддин АЛЛАЯРОВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети кафедра мудири, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

Покистон пойтахти Исломобод шаҳрида бўлиб ўтган «International Silk Route Festival — 2026» халқаро фестивалида Ўзбекистоннинг бой сайёҳлик салоҳияти кенг намойиш этилди.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1142. 17 559 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — А. Алиқулов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.20 Топширилди — 23.25 1 2 3 4 5 6